

Путин: ҳар қандай диний жамоани террорчи деб баҳоламаслик керак



19:42 / 19.12.2018 2647

Россия Федерацияси Президенти Валдимир Путин 2018 йил 11 декабрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш мажлисида, диний жамоалар ва уларнинг вакиллари ҳақида гапириб, уларни жиддий ўрганмасдан туриб бирданига террорчи ташкилотларга тааллуқли, деб айтишдан сақланиш лозим деган. Кун кеча Кремлнинг расмий сайтида ушбу йиғилишнинг иккинчи – ёпиқ қисмидаги нутқнинг стенограммаси эълон қилинди, деб хабар беради Islam-today.

“...Биз барча дин вакилларига тенг муносабатда бўлишимиз лозим, бу ҳақиқат, бироқ яшаб турган мамлакат ва жамиятимизни инобатга олишимиз даркор. Бу, диний жамоалар вакиллари наинки террорчи, ҳатто бошқа бузғунчи ташкилотларга тааллуқли, деб айтиш дегани эмас.

Албатта, бу ғирт бемаънилик бўлади, бу билан жиддий шуғулланиш керак, бу борада мен сизга қўшиламан...”, деган Президент.

Islom.uz портали тахририяти